



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 4 ноябрь чоршанба
Сотувда эркин нархда № 218 (1999)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ЯНГИ КОРХОНА

Ўзбекистон - Жанубий Корея "Бов КО ЛТД" қўшма корхонаси таъсисчилари хайрли ишга қўл урди. Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғида ташкил этилган қўшма корхонада кунга 40 мингга полиэтилен қоп ишлаб чиқарила бошланди. Сунъий тала йиғиришдан тортиб тайёр маҳсулотга барча жараёнлар шу ернинг ўзида бажарилади. Маҳсулотнинг дастлабки туркуми буюртмага мувофиқ туман ҳўжалиқлариға жўнатилди. Янги корхонанинг очилиши юз нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Келгусида маҳсулотнинг 35 фоизини хорижга чиқариш мўлжалланапти.

ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат мuddати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлариға 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловни ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлариға аста-секин ўтказиш бориш тўғрисидаги концепциядан келиб чиқиб, фаоллар, манфаатдор мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳўқуқларини кенгайтириш масалалариға доир таклифларини ўрганиш тавсия этилсин.
2. Туман ва шаҳар ҳокимлари фуқаролар йиғинлариға тайёрларлик кўриш ва уларни ўтказишда, кадрлар танлашда кўмаклашсинлар.
3. Фуқаролар йиғинлариға, туман ва шаҳар ҳокимлариға йиғинлар раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасиға ташкилотчилик қўбилығиға ва катта обурызтиборга, етарли билим даражасиға эга бўлган, янги демократик қадриятлари тез ўзаштирига олувчи, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ва уларни амалға оширишни таъминлашға қодир одамларни танлаш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Тошкент шаҳри, 1998 йил 3 ноябрь.

Э. ХАЛИЛОВ



ТИББИЁТДА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

3 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури лойиҳасининг муҳокама-сига бағишланган кенгаш бўлди.

Уни Президент Ислам Каримов бошқарди. Йиғилишда тегишли вазирлик ва идораларнинг, тиббиёт муассасалари ҳамда олий ўқув юртлирининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этиди. Кенгашда республика Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов Дастур лойиҳаси юзасидан ахборот бердилар.

Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 12 июнда қабул қилинган Фармойишда республика соғлиқни сақлаш тизимиға аҳолиға тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш, мазкур соҳани бошқариш ва молиялаштиришни тубдан ислох қилишни таъминлайдиган Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиғи белгиланган эди. Дастурни ишлаб чиқишда дунё тажрибасиға таянмоғимиз лозим, деди, жумладан,

Президент Ислам Каримов. Айрим МДХ давлатлариға каби шовша-шошарлик билан тиббий сугурта тизимиға ўтиш бизға тўғри келмайди. Зеро, бу иш босқич-ма-босқич амалға оширилмоғи лозим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизға замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий ҳусуниятларни ҳисобға олган ҳолда ислох қилишға боғлиқдир. Мазкур Дастур бу борада муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз. Лойиҳада тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбат-

лантириш, уларнинг касб маҳорати ва шахсий қобилиятларини муносиб тақдирлаш масалалари тўла акс этган. Шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам кадрлар тайёрлаш миллий дастуриға мувофиқ ишлаб чиқилган. Хўжажатда соғлиқни сақлаш тизимиға муассасаларни хусусийлаштириш, тиббиётни моддий, илмий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ҳам аниқ кўрсатишган. Республика Давлат жис-

моний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б. Махситов, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрият жамғармаси раиси Г. Йўлдошева, Қасаба уюшмалари республика федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова ва бошқалар дастур юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Кенгашда Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов иштирок этиди.

(ЎзА)

СУРАТДА: кенгаш пайти.

А. ТўРАЕВ олган сурат.

ТУҲФА

Самарқандда — Имом ал-Бухорий ҳазратларининг хоки пойин ором топанг Хартанг қишлоғида буюк муҳаддис бобомизнинг 1225 йиллик таваллуд тўйиға бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтгани ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу тадбирлар, айниқса, табарук тушда қурилган бекиёс меъморий мажмуа қўллаб қўйиш истагини уйғотди. Шундай кишилардан бири республикамиз аҳлиға яхши юртимизда теннисни ривожлантиришға катта ҳисса қўшиб келатган швейцариялик бизнесмен Сассон Какшурини бўлди. У Имом ал-Бухорий ҳазратлари тўйиға муносиб совға олиб келди.

Сассон Какшурин турли даврларда ва турли ҳатотлар томонидан нозик дид ва инжа санъат билан кўчирилган Қуръони Карим нухсаларини Имом ал-Бухорий меъморий мажмуасида қурилган кутубхонаға ҳали сифатида топширди. Бу нодир хазинаға мансуб китобларнинг кўпчилиги олис тарихда кўчирилган ноёб нухсалардир. Айрим китобларнинг эса ўзига хос тарихи бор. Масалан, бир вақтлар Бухоро амирининг кутубхонасида сақланган ва истилоддан кейин Санкт-Петербурға олиб кетилган Қуръони Карим нухсаси ҳам Лондонда бошқа шахсларни айланлиб яна юртимизға қайтиб келди.

Китобларни Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов қабул қилиб олди.

(ЎзА)

Тошкент вилояти ҳокимлиғида Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, олдвий тантаналар ва бошқа маросимларни ўтказишда дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймайликка оид Фармони ижросиға бағишланган йиғилиш бўлди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, республика "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиди.

Йиғилишда вилоят шаҳар ва қишлоқларида тўй-ҳашамларни, маросимларни тартибли, ихчам ўтказиш борасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳокимликлар, ҳўқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришни зарурлиғи таъкидланди.

(ЎзА)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасидаги ягона иқтисодий макон доирасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида 1992 йилда темир йўл транспорти соҳасида ўзаро келишувға эришилган ва маъмурий-бошқарув кенгаши ташкил этилган эди. Шу йил 3 ноябрь кунининг қатнашчилари Ўзбекистон пойтахти — Тош-

МДХ: ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧРАШУВИ

кентта ташриф буюрдилар. Бу ерда МДХ мамлакатлари темир йўл транспорти маъмурий-бошқарув кенгашининг навбатдаги иккинчи кун давом этадиган мажлиси ўзини бошлади.

Анжуманда 20 га яқин мамлакатларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Улар ора-

сида Литва, Латвия, Эстония, шунингдек, Болгария Республикасида таклиф этилган темир йўл транспорти ходимлари ҳам бор. Учрашув қатнашчилари иккинчи кун давомиди давлатлараро темир йўл алоқаларини кенгайтириш, контейнер парктарида фойдаланишни та-

комиллаштириш, МДХ ҳудудида ҳақ ҳўжаги оқларини хавф-хатарсиз ташини таъминлаш ҳамда тармоқда ягона тариф сиёсатини ишлаб чиқиш, МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасида ахборот-ҳисоблаш дастурини жорий этиш, темир йўл техникаларини

сертификациялаш ва бошқа муҳим масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Тўпланган тажрибаалар умумлаштирилади, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг галдаги вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л. Аҳметов сўзға чиқди.

Н. ТОШЕВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

ИЛМ-ФАННИНГ ЯГОНА ТИЛИ

илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш тузилмаларининг раҳбарлари, Ўзбекистон, Канада, Россия, АҚШ, Франциянинг етакчи олимлари иштирок этмоқда.

Семинарни Давлат фан ва техника кўмитаси раиси, академик Пулат Ҳабибуллаев очди. "Кодата" президенти, профессор Жак Дюбуа тўлганлигини шу халқаро ташкилотнинг фаолияти билан таништирди. Семинарда таъкидланганидек, илм-фаннинг ўзини хош тилини ишлаб чиқиш "Кодата"нинг асосий мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон "Кодата"ға қўшилгандан

сўнг Тошкентда бу халқаро ташкилотнинг Миллий кўмитасини очиш назарда тутилган ҳақида гапирилди. Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг илм-фан ва техника вакиллари бу ташкилот фаолиятида иштирок этиш истагини билдиргани айтиб ўтилди. Семинарда мамлакатимиз илм-фан вакиллари Истиқболли материаллар Осие-Тинч океани академияси аъзолиғи сафига қабул қилинган тўғрисида дипломлар топширилди. Бу эса, илм-фан ва техникани ривожлантириш соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро обуриш юксаклигини тасдиқлайди. Истиқболли материаллар академияси

аъзолиғи академик Пулат Ҳабибуллаев, профессорлар Шавкат Отахонов ва Абдулла Саидов қабул қилинди. Семинар иши давомиди унинг иштирокчилари республикамиз пойтахтидаги етакчи илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш марказларининг фаолияти билан танишдилар. Улар Ўзбекистон олимларининг сўнги ютуқлари тўғрисидаги ахборотдан хабардор бўладилар, жаҳон ҳамжамияти "Кодата" маълумотлар базаси ёрдамида бу ахборотдан фойдаланиши мумкин бўлади.

А. ИВАНОВА,

ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

И. Ҳ. Жўрабековни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Исмомил Ҳакимовни Жўрабеков пенсияға чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 3 ноябрь.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятиға қўшилиши бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам илмий-техникавий алоқалар урнатилишға кўмаклашмоқда. Илм-фан ва техника соҳасида ахборотни тўплаш ва уларни ўрганиш, шунингдек, бу соҳадаги барча тармоқлар учун маълумотларнинг муштарак тилини ишлаб чиқиш билан шугулланаётган "Кодата" нуфузли халқаро ташкилотиға қўшилиш бу жараённи анча оsonлаштирилади.

Тошкентда очилган халқаро семинар турли мамлакатлардаги касбдошлар билан бевоасита алоқаларни кенгайтириш имкониятлариға бағишланди. Семинарни "Кодата" халқаро ташкилоти ва Давлат фан ва техника кўмитаси уюштирди. Унда республикамиз

«ОБУНА-99»

ЯҚИН СУЎБАТДОШ

Ҳамма буюк ишлар, уқан қуранишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ қирмон бунёд этиш, албатта, Сиз, озод замондошимиз туғайдилар. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик наирлардан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Янги Сизнинг манфаатлариниз, ўй-орзулариниз олиб чиқилади.



«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадриятлари ифодалангани бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, маъмур ва сароб фикрлардан холис суўбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирға бўлинг. Элимиз дастурхонининг тўқинлиғи, Ватани-

миз камолоти учун тиниб-тиничмаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Анзалар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йили-

Нашр кўрсаткичи:

Обуна нархи: 1 ойга 287 П/к, 3 ойга 863 П/к, 6 ойга 1626 П/к, 1 йилга 3252 П/к

Яқин газеталар учун ташкилотлар учун	1 ойга П/к	3 ойга П/к	6 ойга П/к	1 йилга П/к
«Халқ сўзи» учун	287	863	1626	3252
«Халқ сўзи» учун ташкилотлар учун	963	1.170	5.778	7.020
«Халқ сўзи» учун	287	335	1.772	2.010
«Халқ сўзи» учун ташкилотлар учун	963	1.170	5.778	7.020

Ташкилотлар, корхоналар, компания ва концернлар, бирлашма ва муассасалар, фирмалар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА

«Халқ сўзи» газетаси таҳририяти 1999 йил обунасини ташкил қилиш яқунларни юзасидан энг фаол иштирокчиларни рағбатлантириш бўйича МУКОФОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

1. «Халқ сўзи»ға 200 дона йиллик обуна учун — ТЕЛЕВИЗОР
2. 300 дона учун — ВИДЕОМАГНИТОФОН
3. 500 дона учун — РАНГИ ТЕЛЕВИЗОР
4. 1000 дона учун — «DAEWOO» ВИДЕОИККИЛИГИ
5. 3000 дона учун — (супермукофот) — «ТИКО» АВТОМОБИЛИ

Шунингдек, обуна мавсумида фаол иштирок этганлар қимматбахр совғалар оладилар ҳамда «Халқ сўзи»ға беғул обуна бўлиш имтиёзиға эға бўладилар.

«Халқ сўзи»ға ёзилнинг ва мукофотлар соҳиби бўлинг!

4 ноябрь — ЮНЕСКО ташкил топган кун

Бугун дунёда халқаро ташкилотларнинг ахамияти тобора юксалиб бораётти. Бунинг асосий сабаби кўрра заминда яшаш шартлари кечатгани билан ҳам изоҳланади. Табиийки, бу аввало, иқтисодий жаҳада кузалишларидир. Лекин иқтисодийлик билан бир қаторда, сиёсатда ҳам, маданий соҳаларда ҳам, спортда ҳам айни жараённи кўраётимиз. Бошқа йирк халқаро ташкилотлар каби Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг Таълим, Фан ва маданият ташкилоти — ЮНЕСКО ҳам ана шу глобал тараққиётга салмоқли ҳисса қўшаётган халқаро тузилмалардан биридир.

Ташкилотнинг бош вази-фаси халқларнинг маданий ҳаётини, маънавий дунёсини юксалтириш, улар ўрта-сидаги ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш саналади, бу омилларсиз инсоний тараққиётини ҳатто тасаввур этиб ҳам бўлмайд.

ЮНЕСКО — ТАРАҚҚИЁТ ЭЛЧИСИ

Тарағай Улугбекнинг 600 йиллиги, қолаверса, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Яқиндагина эса, икки улуг аллома — Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд айёмлари катта тантана қилинди. Бу тадбирлар ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Келгуси йил эса "Ал-помини" дostonининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш бўйича ҳам таъйирилар ишлари амалга оширилади.

ЮНЕСКОнинг сазй-ҳаракатлари билан Бухоро ва Хива шаҳарлари, шунингдек, Усмон Куръони, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги кўлэмалар институтиди қадимий кўлэмалар туркуми "Жаҳон умуминсоний қадри-явлари" рўйхатида киритилди. Биламизки, ЮНЕСКО — БМТнинг Таълим, фан, маданият ташкилоти саналади. Шу боис ЮНЕСКО Узбекистонда

бошқа мактаблари ўртасида мулоқот ўрнатилга кўмаклашди. Шунингдек, Осиё Тараққиёт банкнинг молиявий кўмагида Узбекистонда замонавий кадрларни тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга табиқ этишнинг мониторинг тизимини жорий қилиш бўйича лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз. Ушбу лойиҳа тўққиз юз минг АҚШ доллари миқдорда баҳоланаётти. Дарвоқе, шу йил октябр ойда Парижда олий таълим бўйича умумжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Узбекистон вакиллари тақдим этган мазкур Миллий дастур конференция широкдорларида катта қизиқиш уйғотди.

Биз Узбекистондаги олий ўқув юртлиарида ЮНЕСКО кафедраларини ташкил қилияпти. Улайиманки, бу ҳам Узбекистонда таълим тизимининг ривожига оз бўлса-да ҳисса қўшади. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетиди физика ва астрономия соҳасида иш олиб борадиган Улуғбек кафедраси ташкил этилди. Яқинда унинг расмий очилиш маросими бўлади. Бундай ишларни яна давом эттирамиз. Эрта-индин эса Тошкентда ЮНЕСКО ва Узбекистоннинг "Устоз" жағмараси ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Ешлар таълим маркази"нинг очилиши ҳам мўлжалланган.

Тез орада Жаҳон иқтисодий-иқтисодий бўлиб ўтди. Узбекистон вакиллари тақдим этган мазкур Миллий дастур конференция широкдорларида катта қизиқиш уйғотди.

Биз Узбекистондаги олий ўқув юртлиарида ЮНЕСКО кафедраларини ташкил қилияпти. Улайиманки, бу ҳам Узбекистонда таълим тизимининг ривожига оз бўлса-да ҳисса қўшади. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетиди физика ва астрономия соҳасида иш олиб борадиган Улуғбек кафедраси ташкил этилди. Яқинда унинг расмий очилиш маросими бўлади. Бундай ишларни яна давом эттирамиз. Эрта-индин эса Тошкентда ЮНЕСКО ва Узбекистоннинг "Устоз" жағмараси ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Ешлар таълим маркази"нинг очилиши ҳам мўлжалланган.

Тез орада Жаҳон иқтисодий-

ти ва дипломатия университетиди информация ва замонавий коммуникациявий технологиялар кафедраси, инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия ва халқаро ҳам-фикрлилик кафедраси, Самарқанд давлат мемориалик ва қуриш институтиди тарихий марказларни таъмирлаш ва бошқариш бўйича ЮНЕСКО кафедрасини ташкил этмоқчимиз. Шу йил октябрда Тошкентда "Фундаментал фанлар — жағмият хизматида" мавзуда минтақавий семинар ўтказилди. Ушбу семинар 1999 йил бўладиган Жаҳон фан конференциясида таъйирилар босқичи сифатида ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, ЮНЕСКО доирасида амалга ошириляётган тадбирларда ЮНЕСКО ишлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий Комиссиясининг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Режалати ишларнинг муваффақиятли амалга ошишида мазкур комиссиянинг кўмагини ҳамisha ҳис қилиб тура-рамиз.

ЮНЕСКО Орол муаммосини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ҳозир Орол денгизи сазй мониторингини ва ахборот-маълумотлар жағмарасини тузиш бўйича лойиҳа амалга ошириляпти. Ушбу лойиҳа учун ажратилган маблағ 1,2 миллион АҚШ долларига тенг. Келгуси ойда Тошкентда Орол бўйи мамакатларда экологик таълим бўйича семинар ўтказиш режалаштирилган.

Узаро ҳамкорлик жараёнига назар ташлаб айтиш мумкинки, Узбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг 5-8 ноябрь кунлари Узбекистонда ЮНЕСКО Ихроия Кенгаши 155-сессиясининг кўчма йиғилишини ўтказишга қарор қилинган ҳам ана шундан далолатлади.

ЎЗА МУХБИРИ ФАРҲОД АРЗИЕВ ЁЗИБ ОЛДИ.

Қонун лойиҳаси муҳокамада ЗАРУР ВА ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТ

1996 йилнинг декабрь ойда "Адвокатура тўғрисида" Узбекистон Республикаси Қонун қабул қилинган эди. Орадан икки йил ўтган. "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, шубҳасиз, барчани руҳлантирди ва адвокатларнинг фаолиятида бурчли ясалшига имкон беради. Хизмат фаолияти кафолатланган ҳар бир соҳа кишиши шу Ватан, шу юрт учун борлигини бериб, хизмат қилишига иштиради. Ушунга вақти келганда қонун қилиши билан, ишонади ва шунга сунади.

Қонун лойиҳасида адвокатлар ишининг самарасини оширадиган жуда кўп ҳуқуқий нормалар қайд этилган. Шу билан бирга, унга айрим аниқликлар киритиш қонун лойиҳаси янада мукамалроқ бўлишига хизмат қилади. Лойиҳанинг 4-моддасида адвокатнинг кафолатлари белгилашган бўлиб, 2-бандда "муайян ишни олиб бориш учун адвокатнинг ваколатлари ордери билан таъкидланган" деб қўрсатилган. Жуда тўғри. Лекин айнан шу модданинг охириги бандида "ижозат берилган пайтдан бошлаб ишни олиб боришнинг бутун даврида иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов ва суд орғаларида тасдиқ хатини олиш" ҳуқуқига эга, деб қўрсатилган.

Лойиҳанинг бу қисмини "ишга қатнашиш учун ордери бўлса, қўшимча ҳеч қандай рухсатномалар талаб қилинмайди", шаклида ўзгартириш лозим, деб ҳисоблайман. Шунингдек, лойиҳанинг 4-моддаси 7-хат бошига "очул суд мажлисларида ёшиш қўрил-малари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин", деган жумла киритилиши лозим. Чунки очул суд мажлиси бўлганда сўнг бу ерда ҳеч қандай чеклашлар, махсус рух-

сатномалар бўлиши шарт эмас. Ленгата ёшиш мумкин бўлмаган ишлар ёпиқ суд мажлисларида қўрилади ва баҳда махсус рухсатнома олиш ўринлидир.

Лойиҳанинг 6-моддаси 2-бандида "адвокатга нисбатан жиноят иш республика Бош прокурори ва вилоят прокурорлари... томонидан" қўзғатилиши қўрсатилган. Ушбу моддани қуйилдигага тўлдир-иш ва аниқлик киритиш лозимга ўхшайди: "Адвокатга нисбатан жиноят иш Узбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан қўзғатилиши ва тергов қили-ниши мумкин". Акс ҳолда прокурор иш қўзғатган, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун туман прокуратураларининг терговчиларини юбориш ҳол-лари учрамоқда. Адвокат фаолият қўрсатиб келган туманда хизмат нуқтан назардан тергов, суриштирув орғанлари ҳодимлари билан муносабатлари яхши бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тергов ҳаракатларини иш қўзғатган томон олиб борса, адаллати бўлади.

Абдумурод ПОЛВОНОВ, ҳуқуқшунос. Самарқанд шаҳри.

ПОЛЬШАНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Польша Республикасининг Узбекистондаги элчи-хонасида ушбу давлат мустақиллиги тикланганига 80 йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Польшанинг республикамиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Богуслав Качински очди. Ўтган асрлар давомида

Польша Европадаги баъзи давлатлар тасарруфиди бўлиб келди. Ниҳоят, биринчи жаҳон урушидан сўнг Польша учун ўз мустақиллигини тиклаш имконияти туғилди. Бу ният 1918 йил 11 ноябрда амалга ошди. Айни пайтда Польша тараққий этиб бораётган мамлакатларнинг олд қисмидан жой эгаллаган. Мамлакатда

ўтказилаётган ислохотлар бунга мос келди. Ўзгаришларни Польшанинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳаларида кузатиш мумкин. — Польша-Узбекистон муносабатлари кундан-кунга ривож топиб бормоқда, деди, жумладан, элчи.— Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ва ма-

даний соҳалардаги ҳамкорлик изчил кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўнлаб Узбекистон-Польша қўшма корхонаси фаолият юритаётти. Дарҳақиқат, Узаро муносабатлар йил сайин ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлар ҳамидан ҳам билиш мумкин. Ўтган йили

бу борадаги рақам 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Элчининг таъкидлашича, бу йил якунида мазкур кўрсаткичнинг янада ошиши кутилмоқда. Чунки янги қўшма корхоналар очилмоқда, икки давлат ўртасидаги экспорт-импорт операциялари таркиби тобора кенгаймоқда. (ЎЗА)



ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар кенг қулоқ ёймоқда. Мустақил Узбекистонимизнинг келажagini ўйлаб ҳаракат қилаётган ишбилармон ва тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб беришмоқда, уларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мулкчиликнинг давлат, жамоа, ҳусусий қури-нишлари борган сари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётти.

Ҳозирда қўллаб-қувватли билан даргоҳлари ва ташкилотларда тадбиркорликни ривожлантириш халқ ҳўжалигига ҳориж сармояларини янада кўпроқ жалб этиш мақсадларига бағишланган учрашув ва семинарлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуриди Давлат ва жағмият қурилиши академиясида Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ташаббуси билан Банк ва молия академияси ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази иштирокида "Узбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамкорлик" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда тегишли вазирликлар, ташкилотлар раҳбарлари, масъул ҳодимлар иштирок этиб, семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Шунингдек, анжуманда ҳорижий давлатларнинг республикамиздаги сармоядорларини ҳам вакиллар қатнашди.

Семинар очул мулоқот тарзида ўтди. Унда академия тингловчилари кичик ва ўрта тадбиркорлик тўғрисидаги ҳорижий сармоядорларнинг фикрлари ҳамда бизнес (тадбиркорлик) режасини қандай тузиш кераклигини ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишди. Айниқса, семинар қатнашчиларини республика ми халқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қисмини ташкил этишни қишлоқ ҳўжалигига ҳорижий сармояларни жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда учраётган муаммоларни бартараф этиш мақсадлари қизиқтирди.


Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш эканисиз, қишлоқ аҳолисининг турмуши фаровон бўлиши, қишлоқда саноатни олиб кириш, қўшма корхоналар тузиш каби тадбирларни амалга ошириш сует келди. Мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатини кенг ривож ёлдиришдек истекболли жараёнини янада кенгайтириш — жағмон талаби. Бу мақсадга эришиш учун ҳамма нарса, имконият ҳам, шароит ҳам муҳаб.

Мансур ТОЛИПОВ, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуриди Давлат ва жағмият қурилиши академиясини тингловчиси.

ЎЗИМИЗНИНГ "КИБО"

Бугунги кунда Чирчиқдаги "Кибо" ўзбек-герман қўшма корхонасида яхши пойабзаллар тайёрланаётганини айтиб, ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайсиз. Чунки сифатли маҳсулот харидорини тез топади-да. Яқинда суратчи мухбиримиз В. ПОРТНОВ ушбу қўшма корхонада бўлиб, кейинги янгиликлар билан танишиб қайтди. Айни пайтда бу ерда ойна 20 минг жуфт пойабзал тайёрланиб, дўконларда маҳсулот туриб қолмаётганини ҳисобга олсак, жағмоннинг иши чакки эмас.

СУРАТЛАРДА: иш жараёнидан лавҳалар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АХБОРОТНОМАСИГА 1999 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

"Ахборотнома"га йил бўйи обуна бўлиш мумкин. Аммо ҳозир унга обуна бўлишнинг айни пайти. Бунинг учун республикамиздаги ишланган алоқа бўлимига мурожаат этиш кириб. "Ахборотнома"да Узбекистон Республикаси Олий Мағжлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Узбекистон Республикаси Олий Мағжлиси Кенгашининг айрим масалаларга бағишланган қарорлари мунтазам эълон қилиб борилади. Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгаришларни ҳам "Ахборотнома" изчил бериб боради. Бу, айниқса, вазирлик ва идоралиқларнинг, давлат ташкилотларини ва жағмоат бирлашмаларининг раҳбарлари учун, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотларнинг бошлиқлари ва мухтаassis-ларига, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳамда юридик билгига қизиқувчи барча муштарииларга бағоят керакли наширлар. "Узбекистон Республикаси Олий Мағжлисининг Ахборотномаси" ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида, бир жилда чой этилади. "Ахборотнома"нинг индиса 887 бўлиб, каталог бўлиши баҳоси: бир ойна — 150 сўм, уч ойна — 450 сўм, олти ойна — 900 сўм, бир йилга — 1800 сўм. Ҳар бир алоқа бўлимида "Ахборотнома"га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бетишот расмийлаштириш мумкин.

Давр тақозоси шундай. Қишлоқ ҳўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишда соҳа ишлаб чиқаришини санот негизига кўчириш, бу жараёнини изчиллик билан қаламба-қалам олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Навоий вилоятидаги Қизилтепа тумани иқтисодиётининг асосий бўғинини аграр соҳа ташкил этади. Айтиш мумкинки, тармоқ жадал ривожланмоқда. Энг муҳими, агросаноат мажмуиди ўз соҳасини чуқур билладиган, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини теран англаб, янгиликларни амалда дадил қўлайдиган одамлар ўтирибди.

1997 йилда туманда пилла ва чорвачиликнинг айрим турларидан бошқа соҳалар барбод қилинди. Дон ишлаб чиқариш режаси ба-жарилмади, аранг давлат буюртмаси улдаланди. Вилоят ҳокимлиги туман раҳбарлигини янги кадрлар билан алмаштиришни лозим топди. Бу тадбир қишлоқ ҳўжалик меҳнатқашла-ри томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Ҳўжаликлар ширкатларга айлантирилди. Иш юритишнинг пудрат, пай усуллари жорий этилди. Муҳими, деҳқонлар эрднинг ҳақиқий эгасига айланди. Ана шу тадбирлар самараси ўлароқ туманда ҳайдалаётган 21 минг 669 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 12 минг сўмдан соф фойдага эришиш имконияти кўриниб қолди. 9 минг 580 гектар

майдондаги бошоқли экинлар ҳосилдорлиги ўтган йилга нисбатан 1,5 центнерга кўйилди. Бу соҳа туманда 217 миллион сўм даромад келтирди. Давлатга 166,2 тонна пилла сотилди. Сут, гўшт сотиш 9 ойлик режалари вилоятда биринчи бўлиб улдаланди. Қизилтепалик пахтакорлар мамлакатимизда илғорлар қаторида, вилоятда биринчи бўлиб давлатта пахта сотиш буюртмасини бажар-

1,5 миллиард сўм даромад олишни мўлжаллаб туриб-миз. Соҳадан келатган мўмай даромад қишлоқ индустри-зилмасини яхшилаш ишига хизмат қилмоқда. Туман ҳудуди табиий газ билан таъминланди. Дамхўжадан оқаётган тоза ичимлик сув қувури "Зарметан", "Буҳоро", Навоий номи жамоа ҳўжалиқларига йил охирига-

ча бориб этади. Шундан сўнг набат ўртачул массиви — "Ўртачул юлдузи", "Янгикудук", "Зарбор" қўриқ жамоа ҳўжалиқларига! — У қишлоқ ҳўжалиги ислохотларининг бориши тўғрисида сўзлар экан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ишлари туманда қандай кечатганини-гидан гап очди: — Дастуриимизга мувофиқ, деярли ҳамма ҳўжалиқларда қайта ишлаш корхоналарини ташкил этмоқчимиз. "Зарметан" жамоа ҳўжали-гида эса, сутни қайта иш-лашдан ўта замонавий, рос-мана завод ишлаяпти. Дарвоқе, Зарметан... Оллох назар қилган бу юртин қатигидан ичганимиз? Неча асрларки, зарметанлик бекалар тайёрлаётган қатик ҳаммани лол қолдириб кел-ляпти. Косасини тўнкасанга-

гиз қатиги туғул унинг зар-доби оқмайдиغان Зарметан қатигининг сир-саноатини фақат узларинг ўзлари бил-лашди. Қатикнинг довуғи сабаб бўлдим, ҳарқалай "Зарме-тан" деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси, тажрибали раҳбар, вилоят кенгаши де-путати Қаҳҳор ака Асадов 1994 йили Туркия сафариди бўлган чоғида туркиялик

Корхона ишини бор-йўғи 4 киши юртсаятганилиги, ай-ниқса, қувонарли. Негаки мини-завод тўлиқ автомат-лаштирилган. Мураккаб ус-куналар, компьютерларни оддий қишлоқ кишиши бош-қармоқда. Ким айтиди, қишлоққа саноат ярашмайди деб! Бир-гина "Зарметан"даги мини-завод бир кеча-кундузда 15 тоннагача сутни қайта иш-лашга қолди. Қўшни ҳўжа-ликлар ўз маҳсулотини бу

йўл-йўлакай тикувчилик цехига кириб ўтди. Бу ерда ишчи кийимлари — пахталик фуфайкадан тор-тиб, ўқувчиларнинг мактаб формасигага тикилар экан. Корхона раҳбари Комил Муминов ускуналар 1982 йилда Украинанинг Липецк шаҳридан келтирилганлигини айтиди. Дастоҳ-ларда 50 нафар тикувчи ва тўқувчи меҳнат қилмоқда. Хуллас, Қизилтепада қишлоқ ҳўжалигини саноат негизига кўчириш шит-тоб билан бормоқда. Айни пайтда Қуйимозорда вино заводи, "Бустонча", "Тош-работ", "Варозун", "Буҳоро" жамоа ҳўжалиқларида эса мевани қайта ишлаш цехлари ҳам ишлаб туриб-ди.

Қизилтепадан қайтар чотгимиз туман ҳокими Шайбон Набиев билан учра-рашдик. Туманда қишлоқ ҳўжалик тараққиёти тўғри йўлга тушиб олганлигидан мамнун эканлигини из-ҳор қилдик. — Қизилтепаликлар бар-ча соҳада илғор бўлишга одатланганлар. Севимли газеталаримиз "Халқ сўзи" учун 1000 дона, "Народное слово" учун 500 дона обу-на бўлиб, айтганивий пеш-қаламдикни вилоятда сақ-лаб қоламиз, — деди Шай-бон Шодиевич. Илоҳим, айтганингиз келсин! П. ЖУМАЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ ҚИШЛОҚҚА САНОАТ ЯРАШАДИ

Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки, салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, шймон, ҳалоллик дегани.

Ислом КАРИМОВ.

Неча кунки, ёзмокчи бўлганларимни ўйлаб, уйқум қочади. Эрталаблари ўйланиб қоламан: тўзимми бу ё ўнгимми?

... Ана, ким у сабаби қалаётган деҳқон? Ахир, бу менинг ўзим-ку! Кавлайман-у, лол қоламан: тиллодай тиллодай сабаблар ағдарилган тупроқда бир товланади-ю, кимдир шартта чанг солиб қилиб кетади. Калта-култа чопилган ё заха етган сабаблардан бошқа ҳеч вақо қолмайди. Қани, қаёққа кетди, дейман, менинг тилло сабабларим?

Уртанаман, бошимни чангалламан ва бирдан ўзимни қовун пайқалига кўраман. Ҳиди димоғни ёрғувчи «Буриқалла»ни узиб бир четга кўяман. Яна узаман-у, орқага қарайман. Ё тавба, хозиргина узган қовун қани? Яна узаман, бояғи хол эса яна такрорланади.

Бор-э, дейман, қўл силтаб, шовул ҳосилга кирган олмасорга ўтаман. Тарамтарам олмаларни завқ билан узаман. Саватга қўл узатаман-у, кимдир олмага чанг солганини пайқаб қоламан: юмшоқгина қўл, оппоқ енг, тилло тугма кўз ўнгимда ялт этиб кетади-ю, гоийб бўлади.

Бу қанақаси? Уқинаман. Ўз овозимдан хушёр тортаман:

- Кеп қолинг, лалми қовун, мармар тарвуз, қарсиллаган олмалар, сабзининг асили...

Ғала-говур бозор.

- Дори емаган экану думбулроқми? Қанча дедингиз? Ҳай, майли, оламан, тортинг! Пулни олинг, бободехқон!

Пулни оламан-у, чўнтагимга солиб улгурмай, кимдир шартта чанг солиди-да, қўлимдагини юлиб кетади. Яна ўша қўлга қўзим тушади: юмшоқгина, оқ қўйлак, йўқ-йўқ, энди чорхона қўйлак, лекин ўша тилла тугма. Ёпирай, пулдан қўйлак кий-

ганми? Чорхонанинг бирида сўм, бирида доллар тасвири. У қўлимдан юлиб олган сўмларни худди кўзбойлогидек ҳаракатлар билан тиккасига ва кўндалангига кўкрагига ёпиштиради. Пулимни бўр, дейман, тортанман. Қўйвор, оғсар, нега ён чўнтагимга ёпишсан, дейди у дўк уриб.

Мен эса қўймайман. Қўлларни маҳкам ушлаб башарасига тикиламан. Фантомас! Ўзига чанг соламан. Ниқобини шиллиб оламан: Муродилло! Эвоҳ, у яна аввалги ҳолига қайтади. Яна ниқобини ечаман: Раимжон! Номини айтиб улгурмасиданок, у яна бошқа қиёфага айланади. Мен эса давом этаман. Ҳар гал янги бир нусха ва ниҳоят унинг асл қиёфаси намоян бўлади.

Ўз қўзларимга ишонмай, қайта-қайта тикиламан. Ё раб, унинг боши қовоқдан, бўйни тик қовунга ўхшайди, қорни тарвуздан, оёқлари терақдан. Қўзлари ўрнида бир жуфт олма, қошлари - бугдой бошоғи, бурни сабабиди, сочлари - жўхори пўпағи. Лекин турган-турмуши одам. Эй, менинг қовоқларим, қовунларим, тарвузларим, терақларим. Эй, менинг меҳнатимдан, пешана теримдан бино бўлган одам!

...Муродилло Қуролов мансаб пиллаполярлардан мутахассис сифатида кўтарилганлиги бор гап. Аммо ҳар бир одамнинг яхши ва ёмон томонлари у тобёё вазифаларни бажарганида эмас, балки маъсулятини ўз зиммасига олганида, кўпчиликка бош-қош бўлганида яққол билинади. Илгари ўзини кўрсатиш учун, ишчанлик жиҳатлариға зур берган, фақат яхши фазилатларини синовдан ўтказган бўлса, энди раҳбар сифатида, унинг ўзи хоҳлайдими-йўқми, табиатидаги ноқис жиҳатларининг ҳам имтизони бошланади.

Муродилло Қуроловга юксак вазифа топширилганда унинг ишчанлик фазилатла-

рига таянган, раҳбар сифатида инсонийлигига ҳам умид билдирилган эди. Одамнинг олмаси ичида деганлари рост экан. У ўзига билдирилган ишонччи бора-бора шахсий муваффақият сифатида қабул қила бошлади. Одамгарчилик синовларидан ўтолмади. Давлат солиқ кўмитасининг собиқ биринчи ўринбосарининг кўзини ёғ босди. Ота-она, яқин оғайни-қариндошларнинг оилавий қаровончи бўлган тадбирли лавозимини кўз-кўз қилиш дабдабасига айлан-тирди. Суннат тўйини солиқ идоралари ходимлари ҳисо-

ларнинг, теварак-атрофдан кўз ташлаганларнинг оғизлари ланг очилиб қолганлиги аниқ. Бетамизга беш кун ҳайит. Манманлик шу даражага бориб етдики, наҳор ошига беш дошқозонда кетма-кет 250-300 кило гуруч дамланди. Тушликда 500 аёлга зиёфат берилди. Кечки базмида эса саккиз юздан зиёд одам иштирок этди. Бошқа вилоятлардан келган қазоқозолар икки юзга яқин эди.

Иймони султ одамни атрофидагилар бузди, деган нақл бор. Бу амалга минса боши тез айланадиган, ас-

дада гуноҳга ботди. «Навоий-Шамс», «Бахмал» фирмаларининг директорлари Ш. Шамсиддин, Б. Ҳамроевлар эса лаганбардорликда гараж бошлигидан ўтишса-ўтишдики, орқада қолишмади. Икки «КамАЗ» тўла спиртли ва салқин ичимликлар инъом этиб, соябонлари ёнида қўл қовуштириб туришди.

Минг таассуфики, давлат ва халқ ишонч кўзини тиккан солиқ идораларининг айрим мансабпараст, буридан нарисини кўролмайдиган қал-

тан, фермермисан - уй қур, машина ол, тўй қил. Лекин шу юрт фарзанди эканингни унутма, кўзи очлик қилма. Бу даврон ота-боболардан қолган даврон. Инсонлигининг эсдан чиқарма, мусулмон фарзанди эканингни ёдда тут.

Ичаётган сувининг бошида турган миробнинг шукронасини қил. Дастурхонингдаги оппоқ нонингни етиштираётган заҳматқаш деҳқоннинг хайру саовабини жозибил! Бир одам боласи бўли билан эмас, иши билан бў-

Президентимизнинг матбуотда чоп этилган Фармониде қайт этилганидек, давлат хизматидеги ўзини йўқотган, лавозимини суиустеъмол қилаётган, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган, маҳалларда ва истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлаётган раҳбарлар учраб турибди. Улар бугун нафасларини ичга ютиб, номлари қоғозга тушмаган бўлса-да, юрак ҳовуцлаб турганлиги аниқ. Бу дунёда ҳеч нараса яширин қолмайди. Элнинг қўлоғи элликта. Ҳаммасини одамлар кўриб турибди. Юртбошимизнинг Фармони кенг жамоатчиликнинг тақлиф ва истаклари ифодасидир.

Мен бу ўринда бошқа бир нарсани таъкидлашни истардим: жаноб шухратпараст амалдорлар! Қачонгача юқоридан амру фармон кўтиб яшайсиз? Фурсати келди дегунча минбағга ёпишиб, истибдод замони халқимиз бошига келтирган мусибатлар ҳақида оғиз қилштириб нотиклик қиласиз, кўкрагингизга овозлик шамотил теканлигидан антиқасиз, Ватан равнақи йўлида бир жон-бир тан бўлиб, фидойиллик кўрсатиб ишлаш замони келганлиги ҳақида дам ура-сиз. Қани, сизнинг мустақил Ватан олдидаги, эл-улус олдидаги фуқаролик бурчингиз?

Аслида кўзингизни мошдек очиб қўйиш, мулоҳазаларда билдирилатганидек, хорижий мамлакатлардаги каби даромадлар ва харажатлар декларацияси жорий этиб, қовушингизни тўриллаб қўйиш давлат учун муаммоли бир иш эмас. Вақти-соати келиб, бу ишлар ҳам жой-жойига қўйилар. Табиийки, бу маълум тажриба бўлаб, тургидан-турги нусха кўчирмай, ижодий ёндашиб бажариладиган юмуш. Бизнинг шароитимиз бошқача, халқимизнинг менталитети, урф-одатлари, аъёналари бошқача. Етти-саккиз паҳлавон йигит воғга етган ҳадон учун, қадим ҳашар усули, ўзаро ёрдам беришига одатланган халқ учун яхши ниятда янги иморат тиклаш, тўй ўтказиш аъёналарини бир ҳужжат билан меъёрга

солиб бўлмайди. Гап бу ерда халқимиз ҳаётида маънавий декларацияга айланган ахлоқий меъзорлар - ота-бобларимизнинг одамийлик, эл-юрт қувончу ташвишлариға шериклик, ҳар ишда меъёрни унутмаслик, исрофгарчиликка йўл қўймамаслик, ахтиржадан ортиқча маблағларни, Фармонда айтилганидек, "хайр-эхсон, меҳр- мурувват кўрсатиш, мухтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, тўрар жойларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш"дек олижаноб удумлари, урф-одатлари, аъёналари ҳақида. Бир одам кўприк солиб, минг одам ўтади, деган ибора ўшалардан қолган.

Аллоҳ таоло Ҳадиси қудсийларининг бирида шундай марҳамат қилади: "Эй, одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам маъно толасан. Борди-ю, бу тақсимотга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султун ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун қўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқиндан ортинг келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўласан".

Энди сизга бир савол: қиймат қойимгача юзи хижилликни бўйингизга олиб қўймайсизми, эй шухратпараст мусулмон жаноблар? Эсингиз борида этагингизни йигиб, ўзингизни яхшилаб таниб олинг. Кўришдан одамга ўхшаганингиз билан, қиёфанингиз ичидаги асл нусхангизга оғдиди одамлар хотирасига муштаҳам ўрнашган: бошингиз қовоқдан, бўйингиз тик қовунга ўхшайди. Қорнингиз тарвуздан, оёқларингиз терақдан. Қўзларингиз ўрнида бир жуфт олма, қошларингиз - бугдой бошоғи, бурнингиз сабабиди, сочларингиз - жўхори пўпағи...

Худо сизга инсоф ато этсин, тавфиқ берсин!

Асадулла ҲАҚНАЗАР.

НОИНСОФ «БОЙВАЧЧА»ЛАР

ёхуд қиёфа ичидаги нусхалар

фельетон ўрнида

бидан ўтказишни ор билмади. Яқин кишилари орқали барча солиқ идораларидан «тўёна» ундиришдан уялмади.

Таъмагирлик билан олдиндан йиғилган ана шундай «тўёна» эвазига Бухоро зардўзлик фабрикасига ҳар бири 40 минг сўмлик ўнлаб зарбоф тўн буюртма қилди. Тўйхона атрофида учта «КамАЗ» машинаси гувиллаб турди. Улардан бирининг спиртли ичимликлардан бели «майишган», иккинчиси озиқ-овоқат маҳсулотлари билан қил тўла, учинчиси «тўёна»лар учун ҳозирлаб қўйилган эди. Агар темирда тил бўлса, совға қилинган 100 дан ортиқ чўгдай гиламлар ҳақида ажиб бир қисса ҳикоя қилиб берадир.

Янги иморатга фақат тўй ярашади, деб ҳисоблади «бойвачча». Саҳнани кенгроқ олиб, ҳовлисига туташ туман қишлоқ хўжалик техникаси майдонини ҳам тўйхонага қўшиб қўя қолди. Бу ердаги техникалар мўъжиза содир бўлиб, ҳаммаси «иш»га чиқиб кетдики ёки бошқа майдонга кўчирилдики, ҳарқалай, бир хил гиламлар билан безатилган хайҳотдай тўй майдонини кўриб меҳмон-

лан маънавий қашшоқ кимсаларга тааллуқли. Қуролов шундайлар хилидан чиқди. Бўлмаса, Давлат солиқ кўмитасининг собиқ гараж бошлиғи Ч. Саидов қимматбаҳо эгар-жабдуқ урилган тойчоқ совға қилганида, бу «саховат» замрида нима мақсад борлигидан хушёр тортимасиди? Давлат солиқ кўмитасини компьютер техникалари билан таъминловчи «Ланит» Ўзбек-Россия фирмаси янги «Нексия» энгил машинаси инъом этганида-чи? Асоан Ташкент, Навоий, Самарқанддан ва бошқа жойлардан келган тижорат тизимлари раҳбарлари «кўк»идан мўлай-мўлай «тўёна» қилганлариде-чи? Ўзига нисбатан кўрсатилётган бунчалик «хотамтойлик»лар тағида нима ётганлигини билмас эди-ми? Аксинча, сархуш «бойвачча» янги тўшалган гиламлар узра той «йўрғалатган», эндигина бир ёшга тўлган норасида тўйбола бўлишдан бели буюқилмаган 200 сўмлик ва бебилликка доллар сўлиб, ҳамтовлоқлари ва хушомадўйларини ҳам бунга давлат этди, дину диёнатли кишиларнинг, этаги тоза лавозим эгаларининг нафсониятига теғди. Яратганининг ол-

табин раҳбарлари тўй баҳона ноинсоф «бойвачча»га кўпроқ ёқиб қолиш пайдидан бўлишиди. Жумладан, Навоий вилоят солиқ кўмитаси бошлиғи Р. Абдуллоев 10 яшчак арақ, вилоят дон маҳсулотлари қорхонаси раҳбари Ф.Тўраев 10 қол гуруч, Самарқанд вилоят солиқ кўмитаси раҳбарияти 20 яшчак арақ, турли ноз-неъматлар келтиришчилари сабабини бошқача яна қандай изохлаш мумкин? Бу жаноб амалдорлар кимнинг ва нимагинг ҳисобидан бунчалик хотамтойлик қилишди?

...Етти йилдирки, янги замон нафас билан яшайтизим. Кўкрагимизга шамол теғди. Қўл-оёғимизга урилган кишанлар узилди, тилимизга солинган қўллар парчаланди. Ўз эркимиз, ўз еригимизга эга бўлдик. Қадриятларимиз тикланди. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ил, дейдиган замон келди. Ҳалол меҳнат қилиб тоғганин тўйга буюрсин, деган нақл ижобат бўлди. Меҳнат қилиб тоғдингми, қандингни ур! Таъмагирлик қилмадингми, порахўр эмассанми, оддий меҳнатқаш ҳаққига хиёнат қилмадингми, тadbirkори-

тун элга ибрат бўлишини ва ё аксинча, носоғ келтиришини эсингдан чиқарма! Ҳаёлигидан кўтарилдики, кунни кеча - шўролар замонида отанинг таъзиясига боласининг бора олмаганлари. «Суннат тўйи» деган қалима-ни тилга ололмай, «туғилган кун» деган иборани ўйлаб топганларинг. Чукпиронга устанни аширишга олиб келганларинг. Тижорат қилиб бир сўм ортиқча топсанг, ўн йиллаб бола-чақанг дийдоридан мосуво бўлганларинг. Қўрада қўйинг, молхонада молиниг хатланганлари эсингдими? Иморатингиз бир энлик баянд кўргангизда берган сўроқларинг наҳот эсингдан чиқди?

Донишманд халқимиз топиб айтган: бир шалтоқ бузоқ бутун подани бўлгайди. Қуролов раҳбарга хос бўлганга ахлоқсизлиги билан овоз мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан тўқис бўлишини ўйлаб қолди, чин юракдан хизмат қилаётган юзлаб давлат хизматчилари шаънига доғ туширилганини раст. Лекин шухратпарастлик ботқоғига ботган ёлғиз Қуролов эди десам, ҳақиқатни хаспўшлаган бўламиз.

ПАХТА 98

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Ховос тумани пахта тайёрлаш бўйича Сирдарё вилоятида пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Бунинг замирида, албатта, серёғғир баҳорда қилинган тинимсиз меҳнат, саратоннинг жазирамасида пешанадан тўқилган реза-реза тер, ишбилармонлиғи тadbirkорлик ётибди.

Кунни кеча тумандан яна бир хушхабар келди. Тоғли зонада жойлашган «Ховос» ширкатлар уюшмаси пахтакорлари мавжуд майдондан 640 тонна ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш режасини урда-лаган бўлса, жами 3280 гектар ерга барака уруғини қалаган «Фарҳод» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари 3 ноябрда қалар 6369 тонна ҳосил йиғиб, маррага биринчилар қатор этиб келди.

«Ховос» ширкатлар уюшмасининг бошқарув раиси Хидир Сулаймонов шу кунларда режага қўшимча яна 50 тонна пахта тайёрлашни ўз олдиға мақсад қилиб қўлди. «Фарҳод»ликларнинг раиси Хусан Норбутоваев бошчилигидаги пахтакорлар эса яна 500 тонна ҳосил йиғиш учун курашмоқдалар.

Н. МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Хашар — элга ярашар», — дейди доно халқимиз. Зеро, бутунги кунда деҳқоннинг пешана тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-тегиб олишда кўмаклашиш саовобли иш.

Сиз суратда кўриб турган Хива тиббиёт билим юрти талабалари Меҳрибон Собирова ва Солиа Каримова ҳам бундан четда қолмади. Улар Беруний номили жамоа хўжалиги пахтакорларига ёрдамга келиб, кунига 50-60 килограмдан пахта тегиб беришди.

Шоназар ИБРОҲИМОВ
олган сурат.

ҚИРҚ ЦЕНТНЕР, АЛБАТТА, БЎЛАДИ

Вилоят газетаси Шўрчи ва Денов туманларида кузги дон экишда сусткашликка йўл қўйлаётир деган мазмунда 20 октябрда танқидий мақола босди. Бу гапга ишонип қийин эди. Чунки ўша 20 октябрдан 4 кун аввал Ахборот-хисоблаш хизмати кўрсатиш бўйича Термиз маълумот қорхонаси Сурхондарёда сўғориладиган ерларда кузги дон экиш режаси бажарилганини ҳақиқатдаги маълумотни тарқатган эди.

Ўша қорхона, жумладан, қўйидагиларни билдирган: вилоятда бу йил 96 минг гектар сўғориладиган майдон кузги дон экишга ажратилган. Шунинг 87 минг 600 гектарига Андижондан келтирилган «Юна» нави уруғи сочилди. 3 минг 200 гектарга эса истиқболли деб топишган бугуёй уруғлари жойлаштирилди.

Яна бир яхши гап: шу кунгача 60 минг гектардаги бугуёй униб чиқди. Шунча майдон озиқлантирилди. Ҳаллага солиш учун 8000 тонна азотли, 5000 тонна фосфорли ўғит жамғариб қўйилди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи С. Сайдуллаев сурхондарёликлар 1999 йили сўғориладиган ердан 40 центнердан ҳосил оладилар, деб қолди.

Эслатиб ўтамиз: бир гектар сўғориладиган ер галласи ҳосилдорлигини йиғирма бешдан ўттиз икки центнерга /1998 йилдаги кўрсаткич/ чиқармоқ учун вилоят галлакорларига олти йил керак бўлган эди. Шунга ҳисобга олсак, эндиги режа чакки эмаслигини кўрамыз ва ишқилиб уларга омад ёр бўлсин, деймиз!

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чортоқ туманидаги «Рохат» очиб турдаги ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган тўрт турдаги чанқовбосди ичимликлар алақачон ўз харидорларини тошган. Айниқса, «Чортоқ минерали» деб номланган ичимликка талаб кун сайин ортиб бораётир.

Ҳиссадорлар ўз икновиятларини ҳисоблаб чиқиб, яқинда ўсимлик концентратидан вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

СУРАТДА: ишчи Моҳирахон Тошмадова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

УЛКАН МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қайтмас» жамоа хўжалиги пахтакорлари қабул пунктларига 1 минг 320 тонна «оқ олтин» топишиб, режани бажарди. Ҳозир пойтахт вилоятида зафар маррасига эришган

жамоалар сони ўнтага етди. Мамлакат пахта хирмониға 280 минг тонна қимматбаҳо хомашё қўйиш мақсадида вилоят пахтакорлари йиғим-теримда гайрат кўрсатмоқда. Аини пайтда далаларда 180 мингдан зиёд

теримчи, 600 «зангори кема» ишламоқда. Чиноз, Юқор Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманлари қарвонбошлик қилаётир.

Нёъмаб ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

АДИР ПАХТАСИ

Узум, сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослашган Наманган вилоятининг Чортоқ тумани деҳқонлари пахтачиликда ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Туманга қарашли ерларнинг кўп қисмини адирлар ташкил қилишиға қарамасдан, деҳқонлар пах-

тадан юқори ҳосил олишға муваффақ бўлдилар. Қабул пунктларига 8300 тонна «оқ олтин» жўнатилиб, йиллик топиширқ бажарилди. Деҳқонлар вилоятда биринчилар қаторида режани бажардилар. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди.

Туман пахтакорларининг бу муваффақиятиға «Мустақиллик 5 йиллиги», «Ойқирон», Ҳамид Олимжон номидаги жамоа хўжаликларни деҳқонлари фидокорона меҳнатлари билан катта ҳисса қўшилди.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎЗА мухбири.

1998 йил — Ойла йили

ФАРЗАНД — УМИД ЧИРОФИ

Оиланинг асосий вази-фаси инсон наслини давом эттириш. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисобига кўра, 2050 йилга бориб, ер юзи аҳолиси 10 миллиардга етаркан. Лекин ўнға бўлса ўрни бошқа, умр берган ризқини ҳам беради, деган ақидға асосланиб болалар сонини кўпайтириш ҳаминша ҳам яхши оқибатларга олиб келадерайди. Собиқ Иттифоқ даврида асосий эътибор аҳоли сонини кўпайтиришға қаратилган. Чунки арзон ишчи кучи керак эди-ла.

Бутун мустақил республикамизни буюк давлатға айлантириш учун меҳнат

қилаётган эканмииз, аввало, сонға эмас, сифатға эътибор беришимиз зарур. Чунки билимли ва маданиятли жамиятнинг ривожланиши юқори бўлади. Бунга мисол қилиб Болтиқбўйи республикаларини кўрсатишимиз мумкин.

Бизда ҳам иборатли оила-лар кўп. Аммо... миллий маънавиятимизға зид бўлган руҳда тарбияланган ёшлар пайдо бўлиши ачинарилади. Бунинг асосий сабаби — ахлоқий тарбия суеайғилиғида. Чунки шўролар даврида бизнинг миллий-диний қадриятларимизға асосланган ахлоқий тарбия бебурд қилинган. Қолаверса, бунда бугунги кунда оқиб келаёт-

ЛАВЛАГИ ХАРИДОРИ ЎЗИМИЗДА

Нукус туманидаги «Нукус» жамоа хўжалиги бир пайтлар қанд лавлагисини экишни кенг руюм қилган эди. Лекин мазкур маҳсулотни харидорга, яъни Қозғистонга элтиб бериш билан боғлиқ йўл харажатлари ҳалдан зиёд этиб кетганлиги сабабли, кейинги пайтларда жамоа аъёлари бу серхосил маҳсулотни экишни тўхтатишға мажбур бўлди.

Буни қарангки, жорий йилда мазкур маҳсулотта харидор ётганимиздан — қўшни Хоразмнинг Ҳазорасп туманида бунёдга келган қанд заводидан чиқиб қолди. Заводга жорий йилда 1000 тонна қанд лавлагисини етказиб беришни ўз зиммасига олган «Нукус»ликлар мазкур экинни қайта эка бошладилар.

(ЎЗ мухбиримииз).

Ҳ. НАБИЕВ,
Марказий Осиё
Тадқиқотлари
халқаро институтининг
директори муовини.

КАВОКИБ КОКИЛИН ТАРАЙДИ ОСМОН...

Кучага қараган дераза, эртага чиқади кучага. Юзларин ювади резалаб шудринлар чегаги.

Чиқади дераза эралаб, яирайди, кучада унади, Қизғаниб, чулдираб, раҳига майналар кўнади.

Дераза термулиб маҳлиб: утганга, қайтганга кун буйи.

Кун буйи алдоқчи еаларга, аё, қалбини онади тўйиб.

Шу зайл кун ўтади тез-а, кеч ҳам тушар шафқатни билмас. Куча завқин олаги дераза, оқшом уйга кирисни келмас.

Осмоннинг бевоён кенгликлариде улоқиб-улоқиб йиғлар абрлар. Касби кўрғунининг дўнгликлариде

Кучага қараган дераза, эралаб чиқади кучага. Юзларин ювади резалаб шудринлар чегаги.

Кавокиб кокилин тарайди осмон, чақмоқ қинидан суғурар тилин.

Хув, олис даштларда айртиб тўрт томон адашган уюрин

Булутларнинг шалвираб чоки, супраси тешилар кўзүмчюқларнинг.

Эски ариқларда райҳонлар оқиб, кўзлари қонайди қадиқ боғларнинг.

Осмоннинг бевоён кенгликлариде улоқиб-улоқиб йиғлар абрлар. Касби кўрғунининг дўнгликлариде



сасизгина чўқар ерга қабралар.


Кўзиеул исини соғурар, аё, найсонлар атрини ичади тўлгул.

Мени бағринга ол, ёмғирли дунё, мени бағринга ол, кўзиеул!


Кавокиб кокилин тарайди осмон...

Дунё бутун озорини менга берди, сенга берди, Чекмоқ учун оҳ-зорини менга берди, сенга берди. Йўллар айри чопар, ҳайҳот, икки томон доғ-доғ бўлиб, Армонга дунган хорини менга берди, сенга берди. Мен умидвор боқиб йўлга, сен умидвор боқиб йўлга, Сабру қаноат борини менга берди, сенга берди. Қўқламларнинг ҳавосидан гулгул очилган лолалар Атрин ичиб, зунорини менга берди, сенга берди. Гуноҳимки- жаҳоним сен, гуноҳингки- жаҳонинг мен. Шу айбга ҳижрон дорини менга берди, сенга берди. Дунё бутун озорини менга берди, сенга берди, Чекмоқ учун оҳ-зорини менга берди, сенга берди.

Ҳар лаҳза деворларга уршлавериб, деворларга тикшлавериб, деворларга дуч келавериб, торашиб қолди кўзларим... Кетгим келди кенгликларга... Кенгликларга тўлдиргим келди кўзларимни, кенгликларни экгим келди кўзларимга, кенгликларда учиргим келди кўзларимни... Кенгликларда... Учиргим келди... Кўзларимни... тўрғайларга ўхшатиб... Кўзларим торашиб қолди... Кетгим келди кенгликларга... Икром ОТАМУРОД.



ЭЪТИБОР



Яқинда Мангит шаҳрида янги поликлиника фаолият курсата бошлади. Ушбу бино замонавий услубда қурилган. Унда барча кулайликлар мавжуд бўлиб, даволашнинг замонавий техника воситалари билан таъминланган. Поликлиника жамоасининг намунали хизматида аҳоли мамун бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: янги сихаттоҳдан лавҳалар. А. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТЕННИС – АҚЛ ВА ШИЖОАТ ҲАҚИДА

Бола тарбиясида ота-боболаримиз миллий спорт турлари ва ўйинларидан кенг ва моҳирона фойдаланганлар. Ҳақоннинг жўғрофий минтақанинг шароитига, аҳолининг турмуш тарзига, меҳнат фаолиятининг йўналиши ҳусусиятларига мос бўлган.

Дунёда жуда тез оммавийлашиб бораётган теннис ўйини ҳам бизнинг ҳаётимизга яшин тезлигида кириб келди. Теннис сўзи фарансларнинг "теннис", узбекча "ўйнаш" сўзидан келиб чиққанлигини ҳам кўпчилик билмайди.



ХП-ХУ асрларда бутун Шунинг бу ўйин билан шуғулланган, ҳатто уни "Қироллар ўйини" деб ҳисоблаганлар, сабаби — барча қироллар ва уларнинг ақин кишилари ушбу ўйин билан шуғулланганлар. 1529 йилда француз қироли Генрих VIII махсус теннис корти қургани, ундан ҳозиргача фойдаланадилар. Бугунги кунда теннис дунёда энг севиб ўйналадиган, ардоқли спорт тури бўлиб қолди.

Бу ўйин ўта эччиллик, тез топқирликни талаб этади. Шунингдек, барча тана аъзоларининг тезкор ҳаракатини ҳам тақозо этади. Масалан, коптокнинг йўналишини, унинг айланма уқишнинг рақиб дарҳол аниқлаб олиши зарур. Спортчи ўз организмнинг ҳаракат имкониятларини тула намоён этадиган тарбия ва машқларсиз машҳур теннисчи бўлиши жуда мушкул. Сабаби — теннис ўйинининг бир мусобақасида спортчи тахминан 35-40 км. масофани босиб ўтиши сир эмас. Теннис инсон танасининг хилма-хил касалликлардан холи бўлиши имкониятини ҳам мустаҳкамлайди. Айтиб

моҳияти шуки, корт — адолат майдони, ўйин қонда-солан четга чиқишга ҳеч қандай имконият йўқ. Бу қатъий қоидаларни ўрганишга болалар ёшлиқдан жалб этилсалар, улар онгиде, хатти-ҳаракатида бошқа ижобий ҳусусиятлар билан бир қаторда ҳалоллик, мардлик, интилувчанлик ва жамият қоидаларига итлооткорлик ҳусусиятлари мустаҳкамланади. Улуг аллома, табибиёт илмининг даҳоси Гиппократ икки минг йил илгари «Дардга даволар миқдори мингта бўлса, шундан 999 таси ҳаракатдадир», деган эди. Буюк ватандошимиз Ибн Сино ўз тадқиқот ва кузатишларига суяниб Гиппократнинг бу фикрига янгиликлар ва аниқликлар киритди. Ҳаракат ижросининг мунтазамлиги ва инсон танасининг ҳозирги имкониятга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Миллий спорт турларимиз хилма-хил ва кўп. Уларни тиклаш, замонавийлаштириш бизга катта фойда келтиради. Бу спорт турлари орасида теннис давражасида шухрат қозонишга уқзашиш билан бирга, ўз миллий спорт ўйинларимизни ҳам ривожлантириб бориш юртимиз шухратига янада шухрат қўшишини унутмаслигимиз керак.

Фотхиддин НАСРИДИНОВ, республикада хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими.

Божхона хабарлари

Бугун мамлакатимизда кечадан ислоҳот-ўзгаришлар маънавият тўғрисида билан узиб ҳолда ривожланмоқда. Аммо айрим қисмларнинг маънавий даражаси шахсий ҳуш-ҳаловатини ўйлабдан нарига ўтмайпти. Бундайлар элу юрт манфаатига зиди етказибганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

ЧЕГАРАДАН ҲАҚИДА

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари Вазирад Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тезкор тадбирлар ишлаб чиқиб, қонун бузувчиларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқда.

Октябрь ойининг бошлари эди, соат 15.00 ларда 5-сонли «Минсув» божхона пости ходимлари томонидан божхона назорати остида бўлмаган, яширин йўл орқали юртимиздан чиқиб кетаётган МА3-533406 русумли автоуловни тўхтади, божхона кўригидан ўтказдилар. Автоулов юқонасида «мотор мойи» борлиги маълум бўлди. Юртошимиз Н. Исмли кимса (тергов ҳаракатлари кетаётганлиги учун исми ва фамилияси аниқ кўрсатилмади) кўпни республика фуқароси Х. Исмли шахсе билан биргаликда тил бириктириб, 7 тоннага яқин «мотор мойини» ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний ҳолда республикамиздан олиб чиқиб кетаётган эканлар.

Шу ўрнида қишлоқ ҳақи равишда савол туғилди: қонунда қонунбўйи шахслар шу Ватанда яшаб, юртимизда амалда бўлган қонунлар, ҳукуматимиз қарорларидан беҳабар бўлсалар? Бу фақат шахсий манфаат дарида йорувчи кимсалар уларнинг қинғир ишларини бошлашдан аввал, унинг гирром ва ноқонуний эканлигини билганлар. Фақат... мавжуд қонун-қоидаларни «четлаб» ўтишга беҳуда умид болаганлар. Божхона ходимларининг зийраклиги, ўз вазифасига жиддий ёндашувлари тўғрисида уларнинг қинғир ишлари амалга ошмади. Энди кўз ёши қилиб, тавба-тазарру айтишдан нима фойда? Айни пайтда ушбу ҳолат бунча жиноий иш қўзғатиб, тергов ҳаракатлари кетмоқда. 7 тоннага яқин «мотор мойи» давлат фойдасига мусодара этилди.

Ботир ҲУСАНБОВ, Тошкент вилояти божхона бошқармаси матбуот хизмати ходими.

САХОВАТ ИЛА КЎРКАМДИР ДУНЁ АМЕРИКАЛИК ДОКТОР

Мен бу инсон ҳақида жуда кўп эшитганим. Лекин уларга унчалик ишонгим келмасди. Турри-да, хоржилик бир одам олис юртдан келиб, қўдан-кўп савоб ишлар қилса. Устига устак, текисга... Шу одам билан учрашиб, суҳбатлашиб иштиёқи уйғонди. Республика Икътимоий таъминот вазирлиги қомидоги ногиронларга касб-хўнар ўргатиш билим юртига келдим. Мени бу ерда таржимон илтим Ҳуснидин қарши олд ва мўъжазига ҳонага бошлаб кирди.

Доктор Рональд Хонг жаноблари мулоимлик ила қафларини бириштириб, тавозе билан қайтадан ҳол-аҳвол сўради. У киши жуда шинаванда одам экан, суҳбатимиз тезда қизиб кетди. Мен жаноб Хонгдан ўзи ҳақида сўзлаб беришини сўрадим.

Жанубий Кореянинг Сеулга яқин Чже До шаҳарчасида тутилганман. Болалитим ўша жойларда кечган. Тақдир экан, бир одамга ёрдам бераман деб, бахтсиз ҳолида туфайли ногирон бўлиб қолдим. Бу воқеа 1951 йилда юз берган. Ушунда 19 ёшда эдим. Ордадан икки йил ўтган. Сеулга бордим. АҚШдан докторлар келиб, мен касби ногиронларга муолажа ўтказишгаётган экан. Ҳаммаси шундан бошланди.

Оёғимни даволатиш учун отам озроқ пул берганли. Мен касалхона ҳолисидеги ногирон болаларни кўриб, жуда раҳим келганидан ёнимдаги бор пулларимни болаларнинг оқлатига сарфлаб юборибман.

Докторлар кўриб етганлардан пул олишар, камбағалларга эса текинга прозес ясаб беришар эди. Менга ҳам текин прозес ясаб беришди. Кейин Сеулдаги университетнинг тарих факультетини тамомладим. Ҳақоннинг тарихи бўлсангиз, қандай қилиб ортопедия соҳасига кириб қолдингиз?

Биласизми, АҚШлик шифокорлар билан мунтазам мулоқотда бўлишим мени ортопедия соҳасига қизиқтириб қўйди. Уларга ёрдам бериш асосида кўп нарсани ўргандим. Икки йил Кореяда ортопедия буйича ўқидим. 1969 йили эса АҚШга келдим, ўқидим, изландим, тажриба орттирдим. Ушундан бери шу касбини тутганман.

Бизнинг юртимизга келишимиз ҳақида гапириб берсангиз. Ўзбекистон ҳақида АҚШ газеталаридан бирида ўқиб, қизиқиб қолдим. 1990-91 йилларда келиб кетдим. 1993 йил январда бу ерга келиб иш бошладик. Ҳозирча баҳоли кудрат ишлаб турибмиз. Бу ерда менинг энг яқин ёрдамчим — Ҳуснид-

дин. Умуман олганда, менига яқиндан қўмақлашадиган бағрилар, саховатли инсонлар кўп.

Эндиги режаларингиз қандай? Режаларимиз кўп, лекин мақсад ва ниятим битта — ногиронларга ёрдам бериш, уларни жисмоний ва руҳий кетмакликдан қутқариш. Уларнинг келажакка бўлган ишончини, умидини сақлаб қолиш, ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмақлашиш. Ҳозир ногиронлар учун протезлар ясашдан ташқари улар учун компьютер, инглиз тили, сартарошлик ва муенқадан махсус курслар ташкил қилганмиз. Турган гапки, буларнинг бари текин.

Жойин-ку, мутасаддилар топиб беришарку-я, лекин маблағ... Маблағ масаласини ўзимизга қўйиб бераверинг. Савоб иш учун қўйилган келган ёрдамни аямайдиган саховатли инсонлар — дўстларим кўп.

Оқлангиз ҳақида ҳам... Рафиқам доим мен билан бирга. У менинг энг яқин ёрдамчим ва маслаҳатчим. Уч нафар қизим бор. Иккитаси оилали, бири талаба, улар АҚШда яшамади.

Бизнинг суҳбатимиз узоқ давом этди. Мен Рональд Хонг бошчилик қилаётган ЛОВ — ногиронларга қўмақлашувчи масъулияти чекланган жамиятдан чиқиб кетар эканман, дунёда шундай олийжаноб инсонлар борлигига, улар фақатгина савоб учун, эзу истаклар ила яшаётганларига амин бўлдим. Саховатли инсонлар бу ёру оламнинг тиргақларидир. Токи, улар бор экан, дунёда эзгулик мангу.

Фарҳод УСМОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МИРАДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Икътимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодийёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва икътимоий масалалар — 132-12-08; Ҳаққаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буортма Г — 0500, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табақ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамилда ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — И. ҲҲОСАРОВ. Навбатчи — Ф. САНАЕВ. Мусаҳҳах — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топшириди — 23.30 1 2 3 4 5 6

Давлат қисқа мuddати облигацияларининг 23003UMFS нашрини жойлаштириш яқунлари буйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ Давлат қисқа мuddати облигацияларининг 23003UMFS нашри (1998 йил 22 октябрда чиқарилган, тўлово мuddати - 1999 йил 21 июль, муомалада бўлиши мuddати- 272 кун)ни жойлаштириш буйича «Кимошди» савдоси Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида шу йил 21 октябрь кунини бўлиб ўтиди. «Кимошди» савдосида 18 та дилер қатнашди. Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми - 4000,0 млн. сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажми номинал ҳисобида 4 485,465 млн. сўмни ташкил этди. «Кимошди» савдосига облигация номинал қийматининг 83,18% дан 85,87% гача бўлган баҳорар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларининг умумий ҳажми номинал ҳисобида 4 485,465 млн. сўмни ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларининг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг 85,78% ини ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларининг номинал буйича умумий ҳажми 2422,853 млн. сўмни ташкил этди. «Кимошди» савдосида қондирилган барча талабномаларининг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 85,78%га тенге бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 342,688 млн. сўмга тенге бўлди. Жами номинал ҳисобида 2765,541 млн. сўмлик облигация сотилди. «Кимошди» савдоси натижалари буйича облигацияларнинг даромадлилиги қуйидагича бўлди:

Кимошди савдоси яқунлари буйича даромадлилик (йиллик % ҳисобида)	85,78% баҳода
Оддий фондлар усули буйича	22,25
Мураккаб фондлар усули буйича	22,85

Ўзбекистон Телевизиокомпанияси ва республика радиоси жамоаси «Манриф ва тарбия» Бош муҳаррирлигининг шарҳловчиси Абдурашад Исроиловга вафот

Абдуқурут ИСРОИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан тўғри тўғри қилади.

Икътимоий таъминот вазирлиги «Икътимоий ҳимом» моддий-техника-таъминот корхонаси бош директори Шухрат Сағатовга умр ўлодиши

Маллик САГАТОВАнинг вафот этганини муносабати билан унга ва яқинларига чўқур тўғри тўғри билдириди.

Мирзо Улуғбек номидли Тошкент давлат университети ректорати, касба уюшма қўмитаси ҳамда биология-генетика факультети жамоаси факультет доираси

Мухаммад Қарин ИРТАШЕВИНнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чўқур ҳамдаралик билдиради.

Ташкилот қуйидаги АВТОШИНАЛАРНИ сотади 320x508; 260x508; 8,40x15. Манзилимиз: Тошкент ш., Пушкин, 59. (Ҳамид Олимжон м-си) Тел.: 137-11-47. Пейдэж: (067)-6602.

Ўзбекистон Ёшлар академияси жамоаси, Камолотнинг Бехол номидли Миллий рассомлик ва дизайн институтини профессор-ўқитувчилари, касба уюшмаси қўмитаси институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, санъат-шунослик фақлари номзоди, доцент Нелимат Убайдуллоевна Абдуллаевага вафот этганини муносабати билан чўқур тўғри тўғри қилади.

«Узгўрғунчилик» уюшмасининг раҳбарлиги ва жамоаси «Қишлоқ-деҳқонлик» уюшмасининг илтифот комиссияси ақшонолик жамиятининг бош директори Баҳром Ҳайитович Нуралиевага вафот этганини муносабати билан чўқур тўғри тўғри қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қўмақ мулк ва сармоя агентлиги жамоаси бош бухгалтер Мақсуда Эриёевага вафот этганини муносабати билан чўқур тўғри тўғри қилади.